

## Зокиржон Алматов ва Ёдгор Саъдиев билан талабалар учрашуви

Жаҳонга юз туттган, жаҳон тан олган мамлакатимиз равнақи учун хизмат қилган, ҳозирда ҳам бир сафда туриб хизмат қилаётган миллатимиз фидойилари, замонамиз қаҳрамонлари билан ёшларимизни танитиш, уларнинг ҳаёт йўли ва тажрибаларини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатиш ҳар бир ёш қалбida ватан туйғусини уйғотиши табиий. Бу эса улар дилида масъулият ҳисси ва мажбурият бурчини жо бўлишига боис бўлади.



Худди шундай мақсадда учрашувлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. 2020 йил 4 февраль куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 27 декабрь куни куни Муҳаммад Ал-Хоразмий ижод мактабида ёшлар билан учрашувларидағи нутқларидан илҳомланган ҳолда, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазири маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов билан маърифий учрашув ташкил этилди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, институт профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳамда зал билан лиқ тўла талабалар иштирок этишди.



Тадбирни институтнинг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Рузимурот Чориев кириш сўзи билан очди. Улар бугун мамлакатни тараққий эттириш йўлида бошлаган ислоҳотларни давом эттиришда ўсиб келаётган ёш авлодда юрт қисматига дахлдорлик туйғуларини шакллантириш муҳим масала экани, миллат ва Вatan равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилган замонамиз қаҳрамонлари билан ёшлар ўртасидаги бу каби учрашувлар ўсиб келаётган авлоднинг қалбida ғурур ва ифтихор туйғуларини янада юксакларга кўтаришини айтиб ўтди.



Тадбирга ташриф буюрган Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ҳам сўзга чиқиб ўз ҳаёти давомида эришган ютуқлари ва ёшларга ўрнак бўлувчи тажрибалари билан ўртоқлашди. Шунингдек, ёшларни илм сирларини эгаллашга, ўз оиласи, Ватанини севувчи, юртига ва халқига Ватанпарвар бўлишга чақирди. Ёшларга маслаҳат ва даъват руҳидаги билдирилган фикрлар барчанинг диққатини тортди. Тадбир якунида институт талабалари томонидан тадбирга ташриф буюрган меҳмонларга миннатдорчилик рамзи сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



**Институт матбуот хизмати Раҳимбой Жуманиёзов**